



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№23

2025-yil
11-iyun, chorshanba
1918-yil
21-iyundan chiqqa boshlagan



ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!

Аввало, сиз, азишларни Осиёнинг энг кучли жамоалари иштирок этган саралаш ўйинларида чинакам жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб, том маънода улкан ғалабага эришганингиз – Ватанимиз тарихида биринчи марта жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, миллий спортимиз солномасига олтин ҳарфлар билан битиладиган бундай ёрқин натижа юртимиздаги миллионлаб футбол муҳлислари, бутун халқимизнинг неча йиллик орзуси эди, десак, тўғри бўлади. Сизлар профессионал билим ва малакангиз, тажриба ва маҳоратингиз, энг муҳими, юксак иродангиз ва ғалабага бўлган ишончингиз билан ана шундай орзунини реал ҳақиқатга айлантирганингиз ҳар қандай таҳсин ва тасаннога муносибдир.

Мана шу мунаввар окшомда – кутлуғ зафар айёмида кўпмиллатли бутун Ўзбекистон халқи сизлар билан ҳақли равишда фахрланмоқда, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Саралаш ўйинлари нақадар кучли рақобат остида, кескин ва шиддатли курашларда ўтгани, терма жамоамизга нисбатан турли босимлар бўлганига қарамасдан, сизлар зарур очколарни жамғариб, азму шижоатли Янги Ўзбекистон ёшлари қандай юксак марраларни эгаллашга қодир эканини яна бир бор амалда исботладингиз.

Сизларнинг ана шундай ғоят масъулиятли турнирдаги муносиб иштирокингиз кейинги йилларда мамлакатимизда спортга, жумладан, унинг энг оммавий тури бўлган футболга берилаётган улкан эътиборнинг яна бир буюк амалий натижаси сифатида ҳам биз учун ғоят қадрлидир.

Аминман, бу тарихий ютуқ халқимизни эзгу мақсадлар йўлида янада бирлаштиради, минг-минглаб ёшларимиз учун илҳом манбаига, ибрат тисолига айланади, Янги Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилади.

Сизлар футбол майдонларидаги мана шундай шонли ютуқдан янги куч ва руҳ олиб, келгуси йили АҚШ, Мексика ва Канада давлатларида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг биринчи ва ягона вакили бўлишдек юксак шарафни чуқур ҳис этган ҳолда, янада катта жонбозлик кўрсатасизлар, деб ишонаман.

Мана шу шукўхли айёмда сизларни доимо қўллаб-қувватлаб келаётган меҳрибон ва талабчан устоз-мураббийларингиз, миллий терма жамоамизнинг барча аъзоларини, сизларга бахт ва омад тилаб, кечаю кундуз дуода бўлиб келган ота-оналарингиз, ака-ука, опа-сингил ва барча яқинларингизни ўз номидан, бутун халқимиз номидан қизгин табриклаб, уларга самимий миннатдорлигимни билдираман.

Сизлар муқаддас Қурбон ҳайити кунларида халқимизга байрам совғаси сифатида олиб келаётган ушбу унутилмас тарихий ғалаба барчамизга муборак бўлсин!

Зафарли одимларингиз бардавом бўлсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ШУНДАЙ ДЕПУТАТЛАРИМИЗ БОР...

ЮРАГИДА АНОР ГУЛЛАГАН АЁЛ



Мастура Сайфуддинова. Қувалик аёлни таниган-билганлар “Анорхон” дейдилар. Бу бежиз эмас. Зотан, Мастура Сайфуддинованинг умри анор ва анорзорлар билан туташ. Айна балоғат ёшида бошқа қизлардан фарқли ўлароқ қўлига кетмон олиб, устози Анжир бободан боғдорчилик сирларини ўрганди.



ТАРИХИЙ ҒАЛАБА БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

СИЁСИЙ ПУЛЬС. МУНОСАБАТ



ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ, ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

2

АЙРИМ СОҲАЛАРДА МАЖБУРИЯТЛАР ОШИРИЛМОҚДА



САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

КИМДА ҚАНДАЙ НАТИЖА



Муаммонинг катта-кичиги бўлмайди. Одамларнинг кичик муаммоси ҳал бўлса, бу катта натижаларга олиб келади. Акс ҳолда улар йиғилиб-йиғилиб, ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳал бўлган ҳар бир мурожаат ўнлаб, ҳатто юзлаб одамлар ҳаётида ўзгариш ясайди, одамларнинг оғири енгил бўлади. Бугунги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу аслида. Аҳолига яқинлашиш, ҳар бир инсон ҳаётидан рози бўлиб яшашига эришишдир.

5

СИЁСИЙ ПУЛЬС. МУНОСАБАТ

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ, ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборини тортаётган кўплаб йирик тадбирларнинг, юқори даражадаги халқаро учрашувларнинг асосий марказига айланиб бораётган азим Тошкент шу кунларда яна бир нуфузли анжуманга мезбонлик қилмоқда.

Пойтахтимизда мана тўртинчи йилдирки, халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, глобал муаммоларни муҳокама қилиш ва илғор ғоя-ёндашувларни ишлаб чиқиш учун самарали платформа вазифасини бажариб келаётган Тошкент халқаро инвестиция форуми ўз ишини бошлади.

7,5 мингдан ортиқ делегат, жумладан, 100 га яқин давлатдан салкам 3 минг нафар хорижий меҳмонни бир жойга жамлаган бу йилги форум янги, кенгайтирилган форматда ўтказилмоқда. Маълумотларга кўра, форум ишида энергетика, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, рақамли технологиялар ва бошқа стратегик муҳим соҳаларга оид умумий қиймати ўттиз миллиард доллардан ортиқ бўлган инвестицион лойиҳалар тақдим этилиши кўзда тутилган.

Аҳамиятлиси, IV Тошкент халқаро инвестиция форумида Болгария Президенти Румен Радев, Словакия Бош вазири Роберт Фицо, Қозоғистон Бош вазири Олжас Бектенов, Қирғизистон Ҳукумати раиси Адилбек Қосималиев, Тожикистон Бош вазири Қохир Расулзода, Озарбайжон Бош вазири Али Асадов, Россия Федерацияси Ҳукумати раиси ўринбосари Александр Новак, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари Нокергули Атагулиев, шунингдек, Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, араб давлатлари ҳамда Европа, Осиё ва Африка минтақалари делегациялари қатнашмоқда.

Форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари анжуман қатнашчиларини кутлар экан, Янги Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган молиявий институтлар раҳбарлари – Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо хоним ва Янги ривожланиш банки президенти Дилма Русеф хонимга алоҳида миннатдорлик билдирди.

Президент бугунги дунё катта синовларни бошидан кечираётганини, глобал хавфсизлик ва барқарор ривожланишга жиддий таҳдидлар тобора кучайиб, геосиёсий жараёнлар кўз ўнгимизда шиддат билан ўзгараётганини қайд этди.

Дарҳақиқат, жаҳонда қуролланиш пойгаси яна авж олмоқда. Йирик мамлакатларнинг ҳарбий харажатлари 2010 йилга нисбатан бир ярим баробар ортиб, 2,5 триллион долларга етди. Иқтисодий инкироз асоратлари, молиявий ресурслар тақчиллиги туфайли жаҳон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари эса кетма-кет уч йил давомида пасаймоқда. Халқаро ҳуқуқ нормалари ва дипломатия кучи заифлашмоқда. “Энг ачинарлиси, инсоният учун энг долзарб муаммолар – озиқ-овқат хавфсизлиги, камбағаллик, иқлим ўзгаришлари каби масалаларга эътибор камаймоқда. Дунёда тинчлик, адолат ва инсон қадрига бўлган умумий ишончни тиклаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим”, - деди



давлатимиз раҳбари.

Мана шундай қийин шароитга қарамай, мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш йўлида салмоқли натижаларга эришилаётгани қувонарли, албатта. Жумладан, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти саккиз йилда 2 баробар кўпайди. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткични 200

“

МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, ФОРУМ ИШИДА ЭНЕРГЕТИКА, ИНФРАТУЗИЛМА, ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ, ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРНИ ҚАЗИБ ОЛИШ, РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА БОШҚА СТРАТЕГИК МУҲИМ СОҲАЛАРГА ОИД УМУМИЙ ҚИЙМАТИ ЎТТИЗ МИЛИАРД ДОЛЛАРДАН ОРТИҚ БўЛГАН ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ КўЗДА ТУТИЛГАН.

миллиард долларга етказиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар самараси халқаро рейтингларда ҳам ўзининг муносиб тасдиғини топапти. “Иқтисодий эркинлик индекси”да мамлакатимиз сўнгги беш йилда 48 поғонага юқори кўтарилди. Гарварднинг “Иқтисодиёт мураккаблиги индекси”даги ўрнимиз 28 поғонага яхшиланди. Утган ойда нуфузли “S&P” агентлиги Ўзбекистоннинг суверен рейтинги прогнозини “барқарор”дан “ижобий”га оширди.

Президент Шавкат Мирзиёев инвестициялар фақат иқтисодий тараққиётнинг эмас, балки тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлишини таъкидларкан, биргина ўтган йилнинг ўзида Ўзбекистонда инвестиция ҳажми 35 миллиард долларга, экспорт 27 миллиард долларга етгани – тўрт йилдан буён ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро инвестиция форумининг ҳам амалий натижаси эканига урғу берди. “Келинг, биргаликда шундай инвестиция муҳитини яратайликки, у даромад келтириш билан бирга, инсон қадрини улуғлайдиган, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлайдиган ва жамият рақамли хизмат қиладиган мустаҳкам пойдеворга айлانسин!”- деди давлатимиз раҳбари форум иштирокчиларига қарата.

Дунё иқтисодиёти янги давр ва ўзгаришлар остонасида турган ҳозирги муҳим паллада барқарор ривожланиш йўлидан бораётган давлатлар қуйидаги тўртта йўналишда ҳамкорликда ишлаши мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Биринчидан, “яшил” иқтисодиёт моделига ўтиш айна зарурат. Бинобарин, Янги Ўзбекистонда айнан “яшил” энергетикани ривожлантириш учун қисқа даврда қарийб 6 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилинди. Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 59 миллиарддан 82 миллиард киловатт-соатга етди. Кейинги беш йилда бу кўрсаткични 120 миллиард киловатт-соатдан ошириб, “яшил” энергия улушини 54 фоизга етказиш, жорий йилда Самарқандда, келгуси йилдан яна 8 та ҳудудда электр тармоқларини хусусий шерикликка бериш, илк бор “яшил” сертификат ва углерод бирликлари савдосини йўлга қўйиш, глобал углерод бозорларига қўшилиб, “Яшил Ўзбекистон” иқлим инвестициялари платформасини яратиш мўлжалланмоқда.

Иккинчи йўналиш – бу рақамли технология ва сунъий интеллект билан боғлиқ. Ўзбекистонда шу йилнинг ўзида IT экспорти 1 миллиард долларга етгани мазкур соҳа мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи “драйвери”га айланаётгани исботлайди. “2030 йилга бориб, бу кўрсаткични 5 карра ошириш учун салоҳиятимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етарли”, - деди Президентимиз.

Келгуси йилдан “Булутли технологиялар” миллий платформаси ишга тушиши, яқин беш йилда хусусий инвесторлар билан бирга қуввати 500 мегаваттдан зиёд 20 та “дата марказ” барпо этилиши, “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси бошланиши – буларнинг бари Ўзбекистонни нуфузли IT ва Fintech хабиға айлантириш йўлидаги ишончли қадамдир.

Давлатимиз раҳбари нутқида жаҳон миқёсида молиявий тизим ва технологиялар кескин ўзгараётган бир пайтда бу соҳаларни кейинги ривожланиш босқичига олиб чиқиш учун Ўзбекистонда Молиявий барқарорлик кенгаши ташкил этилиши, Марказий банкда киберхавфсизлик ва молиявий технологиялар платформалари ишга туширилиши баён қилинди.

Стартаплар учун муқобил молиявий инструмент – венчурлар тез ривожланиб бораётгани ҳам бор гап. Шунга кўра “Муқобил инвестиция жамғармалари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Келгуси беш йилда венчур ва бошқа муқобил сармоялар ҳажмини 1 миллиард долларга олиб чиқиш бу йўналишдаги бош мақсадлардан ҳисобланади.

Тўртинчи йўналиш эса “технологик минераллар”дан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни назарда тутди. Зеро, Ўзбекистонда вольфрам, молибден, магний, литий, графит, ванадий, титан

ва бошқа минералларнинг катта захираси аниқланган. Умуман, ер ости бойликларимизнинг салоҳияти 3 триллион долларга баҳоланмоқда.

Президентимиз Тошкент ва Самарқанд вилоятларида “Келажак металлари технопарки” бунёд этилаётганини айтиб, бизнес ҳамкорлар учун манфаатли ташаббусни илгари сурди. Яъни, бу соҳада геология-кидирув ишларидан бошлаб, тайёр маҳсулот занжирини йўлга қўйган инвесторларга ўн йил давомида рента солиғи қайтариб берилишини маълум қилди.

“Биз “Янги Ўзбекистон – инвестициялар учун катта имкониятлар мамлакати” деган тамойилни амалий натижаларга айлантириш мақсадида барча чораларни кўряпмиз”, - деди давлатимиз раҳбари. Шу маънода келгуси йилда Янги Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотининг аъзосига айланиши бўйича фаол иш олиб борилаётгани, ўнлаб қонун, юзлаб стандартлар халқаро талабларга мослаштирилгани, бу ишлар шу йил тўлиқ якунига етказилиши, хорижий сармоядорларга янада қўлай муҳит яратиш учун маҳаллий компаниялар билан бир хил шароитларни кафолатловчи “милий режим” жорий қилиниши алоҳида диққатга молик.

“

ИШОНЧИМИЗ КОМИЛКИ, ПОЙТАХТИМИЗДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ВА СЕРМАҲСУЛ МУЗОКАРАЛАР ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ СИФАТ ВА МАЗМУН ЖИҲАТИДАН МУТЛАҚО ЯНГИ, ЯНАДА ЮКСАК БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ.

Қолаверса, давлат компанияларини хусусийлаштиришда уларни юртимиз фаровонлигига хизмат қилувчи йирик активларга айлантириш йўли танлангани, транспорт ва логистика соҳасига ҳам хусусий капитал фаол жалб этилаётгани айна муддао.

Президент Шавкат Мирзиёев сўнгги йилларда қўшниларимиз билан йўлга қўйилган очиқ ва дўстона сиёсат натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги ҳамкорлик муҳити шаклланишини эътироф этди. Ахир сўнгги саккиз йилда қўшниларимиз билан товар айланмаси ҳажми 3,5 баробардан зиёд ошиб, қарийб 13 миллиард долларга етгани

ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Катта инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Жумладан, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўлини қуришни бошладик, йирик энергетика ва инфратузилма лойиҳаларини тайёрлаш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу хусусида тўхталар экан, Марказий Осиёда “Инвестиция ва савдо учун яхлит ҳудуд концепцияси”ни илгари суришни таклиф қилди. “Шу ўринда халқаро ташкилотларга мурожаат қилмоқчиман: минтақавий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун янги молиявий механизмларни йўлга қўйиш вақти келди. Биргаликда ҳаракат қилсак, Марказий Осиёни тинчлик ва тараққиёт маконига айлантирамиз”, - деди Шавкат Мирзиёев.

Эслатиб ўтамиз, IV Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида биринчи марта Миллий кўразма, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг 3-ялпи мажлиси бўлиб ўтади.

**Зухра ШОДИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

- Тошкент халқаро инвестиция форуми бутун дунё иқтисодиёти учун икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришда ўзига хос мулоқот майдонига айланди, десак янглишмаймиз.

Бугун сайёрамиз аҳли иқтисодий тебранишлар, геосиёсий хатарлар авж олаётган, барқарор ривожланиш йўлида хавф ва таҳдидлар кучайиб бораётган мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Товар ва хизматларни етказиб бериш занжирларидаги ўзилишлар, халқаро савдонинг пасайиши, инвестиция оқимларининг камайиши, иқлим офатларининг кучайиши жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатларини тобора пасайтирмоқда. Интеграциялашган дунёда ҳеч бир давлат бу глобал муаммоларнинг таъсиридан четда қолаётгани йўқ. Хорижий сармоядорларни жалб қилиш ва қўллаб-қувватлаш орқали ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш энг мақбул ечимлардан ҳисобланмоқда. Мана шу ҳақиқатнинг ўзиёқ Тошкент халқаро инвестиция форумининг моҳиятини ва аҳамиятини яққол кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида “Биз учун инвестиция – фақатгина молиявий манба эмас. Бу – технология, билим, малакали кадрлар, халқаро ишлаб чиқариш занжирига қўшилиш, яъни, ҳақиқий тараққиёт демакдир. Ўзбекистон мана шундай эзгу ғоялар билан келадиған хорижий инвесторларга барча шароитларни яратиб беради, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ва буни кафолатлайди”, дея юртимизда хорижий сармоядорлар учун барча эшиклар доимо очиклигини таъкидлади. Энг муҳими, уларнинг фаолиятини химоя қиладиган қонунлар, мулоқотга очиқ давлат ва ҳамкорликка тайёр меҳнаткаш халқимиз борлигини айтди.

Бу сўзлар замирида Янги Ўзбекистонда нияти тоза бўлган ҳар бир сармоядор ўзини эркин ва ишончли ҳис қилиши, бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириши учун имкониятлар мавжудлигига ишора бор.

Ишончимиз комилки, пойтахтимизда давом этаётган Халқаро инвестиция форуми ва сермахсул музокаралар иқтисодиёт соҳасидаги амалий ҳамкорликни сифат ва мазмун жиҳатидан мутлақо янги, янада юксак босқичга олиб чиқади.

**Фарида МАҲКАМОВА
тайёрлади.**

Сешанба. Соат 11:00. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлислар зали одатдагидек депутатлар билан гавжум. Турли нуқталарда бир неча кишилик гуруҳлар қизгин равишда нималарнидир муҳокама қилмоқда. Уларга яқинроқ борсангиз, суҳбатлар мавзуси кун янгиликлари ва албатта қонун лойиҳалари ҳақидаги фикрлардан иборат эканини англаш мумкин.

Палата мажлиси ҳам айна шу шаклда бошланди. Дастлаб футболчиларимиз маҳорати ва юртимизда олиб борилаётган спорт соҳасидаги ислохотларга тўхталиб ўтилди. Юртимиз сиёсий мадонида рўй бераётган воқеалар ҳам эътибордан четда қолмади. Мазкур жараёнларда депутатларнинг роли ва иштирокига оид фикрлардан сўнг асосий қисм бошланди. Дастлаб иккинчи ва учинчи ўқишда муҳокамага киритилган лойиҳалар кўриб чиқилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲИМОЯСИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ МАЖБУРИЙ БЎЛАДИ

Депутатлар диққат марказида бўлган ва узоқ давом этган муҳокамалар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасига алоқадор эди. Айна масалага аввалроқ Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ййгилишида ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Гап шундаки, Фуқаролик процессуал кодексига тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларнинг бўзилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича янгиликлар киритиш таклиф этилмоқда. Яъни, лойиҳада суд томонидан кўриб чиқиладиган ишларда мажбурий тартибда прокурорнинг иштирокини таъминлаш билан боғлиқ қўшимчалар назарда тутилган.

Бу одамларга нима беради, деган саволга келсак, тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган шахсларни ҳимоя қилиш соҳаси кучайтирилади. Уларга сифатли ва тезкор ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими мустаҳкамланади.

Яна бир янгилик. Биламизки, зўравонлиkning турли шаклларида азият чеккан опа-сингилларимизга ёрдам кўрсатиш бўйича тизим мавжуд. Аммо унда айрим бюрократик тўсиқлар ҳам бор эди. Шундан келиб чиқиб, бирламчи кўмак хоналари ёки Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги хузуридаги аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳудудий марказларига жойлаштирилган хотин-қизлар учун банк картасини тиклаш тартиби соддалаштириляпти.

Эътиборли жиҳати, кўмак олаётган аёллар бир қанча тўловлардан ҳам озод қилинмоқда. Масалан, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги хузуридаги аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳудудий марказларига жойлаштирилган хотин-қизларга ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандларига тегишинча никоҳни қайд этганлик тўғрисида ёки туғилганлик ҳақида такрорий гувоҳномалар берганлик учун давлат божини тўлашдан озод қилиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, тегишли модда билан Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси, хорижга чиқиш учун биометрик паспортини қасддан яроқсизлантириши ёки уни эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун хотин-қизлар маъмурий жавобгарликка тортилмайди. Бу тартиб тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши натижасида уларга боғлиқ бўлмаган тарзда содир этилган тақдирда амал қилади. Яъни, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги хузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳудудий марказларига жойлаштирилган хотин-қизлар ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандлари бу ҳолатда маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Таклиф этилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар натижасида тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандлари ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий асос яратилади. Қолаверса, уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланади.

Фракция ййгилишида лойиҳанинг ҳимояга қаратилган мақсади Халқ демократик партиясининг дастурий вазибаларига мос келиши қайд этилиб, баъзи аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташланган эди. Ушбу саволларга мутасаддилар атрофлича жавоб қайтарди. Шундан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

ИШ ВАҚТИДАН ТАШҚАРИ ИШ УЧУН ҲАҚ ТўЛАШ ТАРТИБИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Кун тартибидаги навбатдаги масала — Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси бўлди. Ушбу қонун лойиҳаси билан меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқий кафолатлар, меҳнат муҳофазаси ва ишчиларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган нормалар назарда тутилган.

Хусусан, иш вақтидан ташқари иш учун ҳақ тўлаш ва унинг давомийлигини соддалаштиришга қаратилган қўшимча ва

АЙРИМ СОҲАЛАРДА МАЖБУРИЯТЛАР ОШИРИЛМОҚДА



ўзгартиришлар назарда тутилмоқда.

Депутатлар мазкур масала фуқароларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли эканини таъкидлади. Зеро, лойиҳада иш вақтидан ташқари олиб борилган меҳнат фаолияти учун қўшимча ҳақ тўлаш тартибига янгиликлар таклиф этилган. Масалан, иш вақтидан ташқари ишнинг биринчи икки соати учун камида бир ярим ҳисса миқдорида, икки соатдан ортиқ қисми учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланиши белгиланмоқда. Агар меҳнат шариотлари ноқулай бўлган тақдирда бу миқдор ўзгариб, ҳар бир соати учун камида икки ҳисса баробарида ҳақ тўлаш назарда тутилмоқда. Иш вақтидан ташқари ишнинг давомийлиги ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан ошмаслиги кераклиги ҳам қайд этилган. Табиийки, меҳнат шариотлари ноқулай бўлган ишларда бу миқдор янада қисқариб, бир кунда икки соатдан ошмаслиги таъкидланган.

Депутат Дилбар Мамаджанова қонун лойиҳасида иш вақтидан ташқари меҳнатнинг чегараланган миқдори, қўшимча меҳнат учун ҳақ тўлаш миқдорлари бўйича кўтарилган саволларга иккинчи ўқишгача қандай ойдинлик киритилганини сўради.

Масъуллар нормаларнинг ишчи-ҳодимлар манфаатлари, қонуний ҳақ-ҳуқуқларига зид эмаслигини ҳуқуқий асослаб берди.

Савол-жавоблардан, ноаниқликларга киритилган ойдинликлардан сўнг депутатлар лойиҳани маъқуллади.

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ НИМА УЧУН КЕРАК?

Бугунги кунда бутун дунёда низоларни муқобил ҳал қилиш усулларини энг юқори поғонага чиқариш тенденцияси кетмоқда. Бунда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, инвесторларни янада кенг жалб қилиш каби мақсадлар инобатга олинган. Чунки тадбиркорлик тизимидаги низоларни тез ҳал қилиш иш самарадорлигига салбий таъсирларнинг олдини олади. Ўз навбатида, тадбиркорлик субъектлари кам харажат билан ўз ҳуқуқини қисқа муддатда таъминланишини хоҳлайди. Сабаби, давлат судларида маълум бир босқичлар бор. Биринчи инстанция, апелляция, кассация ва тафтиш сингари жараёнлар кузатилади. Ҳакамлик судларида эса бундай ҳолатлар бўлмайди. Уларда битта инстанция билан масала ҳал этилади. Уни бекор қилиш масаласи эса давлат судларида амалга оширилади.

Ўзбекистонда ҳам ушбу амалиётни қўллаш вақти келди, демокда парламентга қонун лойиҳасини киритган ташаббускорлар. Бунинг сабаби 2006 йилда Ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Аммо орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, унга деярли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаган. Қонун ташаббускорларининг фикрича, четда қолиб кетган қонундан ўрин олган қатор меъёрлар бугунги кун талабига жавоб бермайди. Бу эса унинг амалиётда қўлланилишини камайтирган.

Шундан келиб чиқиб, кеча палата мажлисида, аввалроқ эса фракциямиз ййгилишида ҳакамлик судлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

Шунингдек, ҳакамлик судлари томонидан ер билан боғлиқ, бино-

иншоотларга эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳамда бюджетдан пул ундириш билан боғлиқ низолар ҳал этилмаслигини қатъий белгилаш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш, масъул шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Фракция ййгилишида партиямиз фракцияси аъзолари томонидан турли саволлар билан мурожаат қилинган эди. Депутатларга кўра, бугунги кунда тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тизим, яъни, иқтисодий судлар фаолияти йўлга қўйилган. Шунга қарамай, ҳакамлик судларининг ташкил этилишига нега эҳтиёж туғилганига оид масала кўтарилди. Мутахассислар фикрича, бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳакамлик судлари ташкил этилган ва 263 таси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган. Қонунчиликка кўра, мазкур ҳакамлик судлари маъмурий, оилавий ва меҳнат муносабатларидан ташқари, тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келган корпоратив низоларни ҳал этиш мақсадида ташкил этилган. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасига кўра, бундан буён ҳакамлик судлари тадбиркорлик субъектлари эмас, ННТлар томонидан ташкил этилиши ва уларнинг фаолият юритиш тартиби билан боғлиқ ўзгартириш ҳамда қўшимчалар назарда тутилган.

Иккинчи савол судьяларга қўйилган талаб мавжуд ёки йўқлигига оид эди. Таъкидланишича, бу масала Ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонунда белгиланган. Судьялар ишларни якка ёки ҳайъат тартибда кўриши мумкин. Фақат якка тартибда кўрадиган бўлса, ҳакамлик судья юридик олий маълумотга эга бўлиши шарт. Ҳайъат тартибда кўрилганда эса ҳайъатда раислик қилувчи олий юридик маълумотга эга бўлиши шарт экани белгиланган. Қолаверса, бир қанча талаблар ҳам кўрсатиб ўтилган. Янги қонун лойиҳаси билан белгиланган малака талабларига қўшимчалар таклиф этилмоқда. Бунинг сабаби сифатида бугунги кунда мавжуд 1,5 мингдан зиёд ҳакамлик судьяларининг 90 фоизи нима иш кўраётганидан хабари йўқлиги қайд этилди. Чунки улар турли соҳа ва касб эгалари бўлиб, юридик маълумотга эга эмас. Қонунда белгиланмагани сабабли, Адлия вазирлигининг реестрдан ўтган шахслар судья сифатида фаолият юритиб келган.

Фикр-мулоҳазалар, савол-жавоблардан сўнг депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

МИГРАЦИЯ ТИЗИМИДА ТИББИЙ КўРИК ТАЛАБЛАРИ ҚАТЪЙИЛАШАДИ

Статистика маълумотларга кўра, 2024 йилда мигрантлар орасида аниқланган янги ОИВ ҳолатлари олдинги йилларга нисбатан 23,7 фоизга ошган. Бунинг сабаби бугунги кунда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистонга кириб келаётган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, узлуксиз тўқсон кун ва ундан ортиқ муддат давомида чет элда бўлиб қайтган ўн саккиз ёшдан олтмиш ёшгача бўлган мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, юртимиз ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш амалиёти йўқлиги билан таснифланган.

Бундан ташқари, хусусий бандлик агентликлари томонидан хорижга ишга юборилаётган фуқаролар билан бораётган давлат қонунчилиги ва унда бўлиш қоидалари ўқитилиши назорат қилинмаяпти. Натижада шартнома асосида ишга юборилаётган фуқаролар

ЛОЙИҲАДА СУД ТОМОНИДАН КўРИБ ЧИҚИЛАДИГАН ИШЛАРДА МАЖБУРИЙ ТАРТИБДА ПРОКУРОРНИНГ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚўШИМЧАЛАР НАЗАРДА ТУТИЛГАН.

борадиган давлати қонунчилигини, ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмаслиги боис бўлиб турган давлатида иш жойларини ташлаб кетиши ва бошқа турли хил қоидабузарликларга йўл қўйиб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро имиджига салбий таъсир этувчи хатти-ҳаракатлар содир этилишига сабабчи бўлишган.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, қонунчиликка қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурати туғилмоқда. Қўйи палата мажлисида айна мавзуга алоқадор қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қайд этилишича, қонун билан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, узлуксиз 90 кун ва ундан ортиқ муддат мобайнида чет элда бўлиб қайтган фуқаролар, Ўзбекистонда доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ОИВ/ОИТС ва сил касалликларига мажбурий тиббий текширувдан ўтказилиши белгиланади.

Шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга мамлакатимиз ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ягона тиббиёт ахборот тизими”дан “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали уларнинг мажбурий тиббий текширувдан ўтгани текширилганидан сўнг берилиши йўлга қўйилади. Хусусий бандлик агентликлари томонидан эса чет элга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юборилаётган шахсларни бораётган давлати қонунчилиги ва унда бўлиш қоидалари юзасидан мажбурий ўқиш ташкил этиш уларнинг фаолиятида лицензия талаблари ҳамда шартларидан бири сифатида белгиланади. Умуман олганда, қонунчилигимиз турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, юртимизнинг имиджини оширишга хизмат қилувчи меъёрлар билан тўлдирилади.

Депутатлар келгуси ўқишларгача ўзгартириш керак бўлган жиҳатларга тўхталди. Ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, аниқлик киритилиши керак бўлган масалаларда саволларига жавоб олди. Муҳокамалар якунида лойиҳа концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда қўллаб-қувватланди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, “Ўзбекистон овози” мухбири.

ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ЁНМА-ЁН

Депутат – бу халқ хизматчиси, эл-юрт ташвишини, муаммоларини гарданига ортиб, уларнинг ечимига ижро ҳокимияти диққатини қаратган ҳолда одамларнинг турмуш фаровонлигини оширишга улуш қўшадиган бедор шахс. Катта билим ва тажрибага эга, янги давр ўзгаришларини, талабларини чуқур англаган, чин маънодаги фидойи депутат ўз зиммасидаги ана шу масъулиятли миссияни уддалай олади. Акс ҳолда у сайловчилар наздида фақатгина йиғилишларда пайдо бўлиб, муҳокамадаги масалани тасдиқлаш учун қўл кўтаришдан, қуруқ ҳисоботларни тинглаб ўтиришдан нарига ўтмайдиган вакил қиёфасида қолади.

Бугунги кунни ўн йил олдинги ҳаётимиз ва қарашларимиз билан менгаб бўлмагани каби, халқимизнинг депутатларга нисбатан ишонч даражаси ҳамда муносабатида ҳам ижобий ўзгариш кузатилмоқда. Жойларда аҳоли йиллар давомида ечилмай келаётган турли масалалар ва таклифлар юзасидан депутатларга мурожаат қилаётир. Ўз навбатида халқ вакиллари ҳам кабинетда ўтиравермай, ҳудудларга чиқиб, мавжуд муаммоларни, қонун талабларининг ижросини тўғридан-тўғри ўрганмоқда. Одамларнинг дардига, таклифларига қулоқ тутмоқда. Айниқса, бундай “мудроқ кайфиятдан уйғониш” тенденцияси маҳаллий кенгашлар фаолиятида сезила бошлагани қувонарли.

Жумладан, ЎзХДПдан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар орасида бугун олиб борилаётган янги ислохотлар моҳиятини тушуниб, ҳар бир сессияда ўз таклифини, танқидий-таҳлилий фикрларини билдиришдан чўчимайдиган фаолларнинг сафи кенг. Улар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида депутатлик сўрови ва депутатлик назорати институтларидан самарали фойдаланиб, сайловчилар кутаётган натижани беришга, ўз электоратининг “овози” бўлишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ижро этувчи ҳокимият идоралари депутатлар сўровига бепарво қараяптими ёки ушбу сўровлар қайсидир амалдорнинг столи устида бир муддат назоратсиз қолиб кетаяптими, бу энди бошқа масала. Муҳими, халқнинг қонуний вакиллари депутатлик сўрови жўнатиб, амалий чора учун курашишни ўзларининг нафақат бурчи, балки виждон иши, деб қарамоқда.

ДЕПУТАТ ИЖТИМОЙ ОБЪЕКТЛАРНИНГ САВДОГА ҚЎЙИЛГАНИДАН НОРОЗИ

Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириб, хусусий сектор ривожини қўллаб-қувватлаш “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларини рўёбга чиқаришнинг асосий шартларидан. Бироқ бозор иқтисодиёти шароитида салоҳиятли тадбиркорларга, инвесторларга кенг имконият ва имтиёзлар бериш, иқтисодий барқарорлик йўлидаги сазъ-ҳаракатлар аҳолининг ижтимоий ҳуқуқлари кафолатига соя солмаслиги керак. Бошқача айтганда, Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги мақоми устун қолиши лозим. Ижтимоий ҳаётимизда эса таълим ва соғлиқни сақлаш ҳал қилувчи соҳалардан ҳисобланади.

Жорий йилда давлат объектларини хусусийлаштириш бўйича рўйхатда бир қатор ижтимоий объектлар савдога қўйилгани, хусусан, 659 та объектдан 168 таси таълим ва тиббиётга оид экани ХДП

электоратида табиий саволларни юзага келтирди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент кўйи палатасидаги фракцияси аъзоси Шокиржон Аҳмедов ушбу масала бўйича изох ва тушунтириш беришни сўраб, Давлат активларини бошқариш агентлиги директори Акмалжон Ортиқовга депутатлик сўрови юборди.

Депутат ўз сўровида давлат объектларини хусусийлаштириш режалари тузилаётган ва рўйхат шакллантирилаётган пайтда қайси мезон ва таҳлилларга асосан ижтимоий объектлар киритилиши белгилангани, бунга асосий сабаблар нима экани билан қизиқди. “Олий ва мактаб таълими тизимида ўқув ва бошқа бинолар, жумладан, талабалар турар жойлари қуришга эҳтиёж мавжуд бўлса-да, нима сабабдан улар хусусийлаштирилмоқда? Тиббиёт муассасалари, қўллаб-стomatологик поликлиникалар савдога қўйилиши, айниқса, болалар поликлиникалари хусусийлаштирилиши ушбу хизматлардан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун фойдаланиш имкониятини чеклашга олиб келмайдими?” деган ҳақли саволларни қўйди.

Мана шу далилнинг ўзидек кучли ижтимоий сиёсат тарафдори бўлган партия вакиллари, таъбир жоиз бўлса, уйғоқлиги ва қонун қабул қилувчилар орасида ижтимоий қатлам манфаатларини ҳимоя қилувчилар борлигини тасдиқлайди.

ҲАМОН ЙЎЛЛАРИМИЗ - ЙЎЛАРИМИЗ

Яширмаймиз, йўл инфратузилмаси мамлакатимизда ҳамон узил-кесил ечимини кутаётган долзарб муаммолардан. Йўлларни равонлаштириш, автомобиль ва пиёдалар ҳаракати учун қулайлаштириш аҳоли хавфсизлиги нуктаи назаридан муҳим. Қолаверса, йилдан-йилга хорижий сайёҳлар оқими ошиб бораётган бир дамда ўнқир-чўнқир, тор ва бефайз йўлларнинг бўлиши камида ҳижолатли вазият.

Халқ депутатлари Олмазор туман кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутат Зиё Паризод Азамат қизи Олмазор туман ҳокимининг қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги, транспорт ва экология масалалари бўйича ўринбосари Достон Мирхаликовга юборган депутатлик сўрови ҳам айни шу мазмунда.

Мазкур сўров Олмазор туманидаги “Тараққиёт” ва “Қорасарой” маҳалла фуқаролари ййгинларида истиқомат қилувчи аҳоли мурожаатига асосланган. Мурожаатда Тошкент шаҳрининг энг серкатнов манзилларидан бири – Қорасарой кўчасидан Олтинсой кўчасигача бўлган йўл қисмида асфальт қопламаси ётқизилганига қарамай, торлиги ва



ҳаракатнинг тигизлиги автомобиллар ҳамда пиёдалар учун қатор ноқулайликларга сабаб бўлаётгани қайд этилган. Аҳоли йўлни кенгайтириш таклифини илгари сурган.

Депутат ушбу таклиф мақсадга мувофиқлигига урғу берар экан, йўлнинг кенгайтирилиши бўйича мавжуд ҳолат юзасидан маълумот тақдим этилишини, агар бу масала туманни 2025 йилда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилмаган бўлса, келаси йилги дастурдан қолиб кетмаслиги зарурлигини келтирган.

Худди шундай, Тошкент вилояти Паркент тумани Невич қишлоғидаги йўл қурилиши ҳам депутатлар назоратига олинди.

Невичда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида йўл қурилиши амалга оширилаётган бир пайтда маҳаллий аҳоли айрим йўл қисмларида асфальт сифати пастлиги, текисликнинг етарли эмаслиги каби камчиликларга эътироз билдириб, халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутати М. Низомиддинов ва Паркент тумани кенгаши депутати Х. Якубовага мурожаат қилган. Депутатлар эътироз ва таклифларни ўрганиб чиққач, аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли соҳа вакиллари – қурилиш ташкилоти, техник назорат хизмати ва туман ҳокимлиги масъулларига юзландилар. Энди бу жараённинг натижаси, қўрилган чоралар ҳақида маҳалла аҳлига атрофлича маълумот бериладиган бўлди.

Халқ депутатлари Қўштепа туман кенгаши депутати Ш. Шарапов туман ободонлаштириш бошқармасига йўллаган депутатлик сўровида ҳам йўл муаммоси кўтарилган.

Гап шундаки, тумандаги “Шаҳартепа” маҳалла фуқаролар ййғинидаги Меҳригиё кўчаси ҳали асфальт “кўрмагани” бу ерда яшовчи фуқароларни кўпдан бери қийнаб келади. Куз-қиш мавсуми эса уларнинг янада сабрини синайдиган паллага айланади. Табиийки, аҳоли умид ва нажот билан ўзлари сайлаган депутат Ш. Шароповдан ёрдам сўради.

Депутатнинг сўровига жавобан масъул ташкилот Меҳригиё кўчаси асфальтлаштириш бўйича дастлабки манзилли рўйхатга киритилганини, қисқа фурсатда кўзда тутилаётган ишлар бошланишини маълум қилди.

ХАЛҚ ВАКИЛИ АРАЛАШГАЧ...

Ичимлик суви таъминоти аҳолининг энг бирламчи ҳаётий эҳтиёжлари қаторида туради. Дунё миқёсида бу масала тобора глобал муаммо тусини олаётган, оби ҳаётнинг ҳар томчиси чин маънода зарга қиёсланаётган айни чоғда ичимлик суви таъминотини яхшилаш давлат учун осон кечаётгани йўқ. Ҳар йили ушбу йўналишда бюджетдан салмоқли маблағ ажратилаётгани, чекка, олис ҳудудларда инвестиция маблағлари ҳисобидан йирик лойиҳалар амалга оширилаётгани маълум. Шунга қарамай, юртимизда ҳануз тоза сув етиб бормаган манзиллар учрайди.

Халқ депутатлари Қонлиқўл туман Кенгашидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси гуруҳи аъзоси Қунназар

Пирназаров “Қонлиқўл” шаҳарча фуқаролар ййғини Қазақбай овули аҳолиси билан учрашганда, бу ерда ичимлик суви энг оғриқли нукта экани ойдинлашди. Қазақбайликлар мазкур ҳудудга ичимлик суви тармоғини тортиш 2024 йилда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилганини, лекин бу борадаги амалий иш пайсалга солинаётганини баён қилган.

Депутат масалани атрофлича ўрганган ҳолда “Қорақалпоқ сув таъминоти” АЖ Қонлиқўл туман филиали бошлиғига сўров юборди.

Депутат аралашгач, масъуллар “Қонлиқўл” ШФЙда янгидан 3,1 км ичимлик суви тармоғини тортиш режалаштирилганини маълум қилди.

Режа аниқ натижага айланадими-йўқми, бўёғи энди вақт ҳукмида. Шуниси аёнки, депутат Қ. Пирназаров бу масалани, то охирги нукта қўйилгунича, диққат марказидан соқит қилмайди. Чунки унинг ортида сайловчилар ишончи, электорат манфаати турибди.

Электорат манфаати ҳақида сўз борар экан, яқинда ижтимоий тармоқларда кенг жамоатчиликнинг муҳокама ва норозилиklarига сабаб бўлган ҳолат (Бўка туманида оилавий пудрат асосида аҳолига ажратиб берилган ерларнинг аукционга қўйилиши)ни ҳам яна бир мисол тариқасида келтириш ўринли қўринади.

Маълум бўлишича, беш йил олдин Бўка туман ҳокимининг тегишли қарорига мувофиқ ташкил этилган ер участкаларига ўн беш хўжалик оилавий пудрат асосида, ўз маблағлари ҳисобидан 100 мингдан ортиқ тут қўчатлари эккан. Шартнома шартлари бажарилиб, қўчатлар парваришлаб келинаётган пайтда номаълум сабабларга кўра мазкур ер участкалари аукционга қўйилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Фирдавс Шарипов мазкур ер участкаларининг аукционга қўйилиш ҳолатини кўриб чиқиб, оилаларни қасаначилик билан шугулланиши учун шароит яратиш бўйича Тошкент вилоят ҳокими З.Мирзаевага, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Йўлдошевга депутатлик сўрови юборди. Унда пудрат асосида иш юритаётган бу оилаларда ногиронлиги бўлган шахслар ва ижтимоий жиҳатдан кам таъминланганлар борлигига эътибор қаратиш сўралди.

Ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, барча жабҳада натижадорлик учун фақатгина ижро ҳокимияти идоралари, давлат хизматчилари масъул эмас. Халқ хохиш-иродасига кўра сайланган депутатлар ҳам бу жараённинг иштирокчиси бўлиши айни зарурат. Халқ вакиллари қонун ижодкорлиги билан бир қаторда назорат-таҳлил соҳасида жонбозлик кўрсатиши, бунда энг ҳаққил шакллардан бўлган депутатлик сўрови институтидан фойдаланиши, пировардида оддий одамлар қалбида давлатдан, ислохотлардан розилик ҳисси мустаҳкамланишига замин яратади.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

ЭХТИЁЖМАНДЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги ЎзХДП депутати Алишер Абдуллажонов ва Бўка туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Абдурашид Расулов тумандаги “Катта Равот”, “Равот”, “Истиқлол”, “Ўртатепа” ва “Бахмал” маҳаллаларида бўлиб, кам таъминланган, эҳтиёжманд ва ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан хабар олишди.

Учрашув давомида депутатлар аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳам жойида ўрганишди. 1-гуруҳ ногирони Ж.Маматқулов гишт ишлаб чиқариш бўйича ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш истагини билдирди. Бу масала юзасидан ҳуқуқий маълумотлар берилди. Маблағ ажратиш юзасидан «маҳалла еттилиги»га мурожаат қилинди.



ХОТИН-ҚИЗЛАР МУРОЖААТЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Халқ депутатлари Боғот туман Кенгаши депутати Хурмажон Шарипова ўзи сайланган ҳудуд — Ҳуррият маҳалласидаги хотин-қизлар билан учрашиб, уларнинг мурожаатларини тинглади.

Учрашувда асосан уй-жой, кредит, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ишга жойлашиш каби масалалар кўтарилди.

Шу куни депутат аҳоли хонадонларида бўлиб, томорка хўжаликлари фаолияти билан ҳам танишди, ечимини кутаётган масалалар бўйича амалий ёрдам беришга келишиб олинди.

АНГРЕН ШАҲРИДА ЯНГИ БПТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Ангрен шаҳар кенгаши раиси Ф.Абдурахимова шаҳардаги 34-мактаб интернатида учрашув ташкил этди.



маълумотлар, партиянинг ижтимоий ҳимоя масалаларига оид ташаббуслари тадбир иштирокчиларида ЎзХДПга бўлган қизиқишни оширди. Натижада ходимларнинг 12 нафари партия сафига қабул қилинди. Шунингдек, мактаб-интернатда янги бошланғич партия ташкилоти ташкил этилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати.

ШУНДАЙ ДЕПУТАТЛАРИМИЗ БОР...

ЮРАГИДА АНОР ГУЛЛАГАН АЁЛ



Мастура Сайфуддинова. Қувалик аёлни таниган- биланлар “Анорхон” дейдилар. Бу бежиз эмас. Зотан, Мастура Сайфуддинованинг умри анор ва анорзорлар билан туташ. Айни балоғат ёшида бошқа қизлардан фарқли ўлароқ қўлига кетмон олиб, устози Анжир бободан боғдорчилик сирларини ўрганди. Айниқса, анор экиш ва анорзорлар яратиш ҳаёт аъмолига айланди. Анорзорларда у ҳақиқий меҳнат булоғини кўрди.

Умр оқар сувдай ўтар эди. Мастура собиқ тузум адолатсизликларини ҳам, мустақилликнинг илк мураккаб даврларини ҳам кўрди. Даврлар, қарашлар, тутумлар ўзгарса-да, пахта яккаҳокимлиги анорзорларга солган кўланка кўтарилмади. Анорзорлар қисқаргандан-қисқариб борар эди. Аммо 2017 йилга келиб ҳаммаси ўзгарди. Айнан шу даврдан бошлаб мамлакатимизда барча тармоқлар қаторида қишлоқ хўжалигига, жумладан, анорчиликка катта эътибор қаратилди. Гап шундаки, 2017 йил 28 февраль куни давлат раҳбари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида анор етиштирувчи боғбонлар билан учрашиб, соҳада бўлаётган камчиликларни бартараф этиш ва анорчиликни ривожлантириш борасида зарур топшириқлар берди.

Шундан сўнг Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан ҳудудда мавжуд анорчилик билан шўғулланадиган мутахассислар – олимлар ва тажрибали боғбонлар иштирокида йиғилиш ўтказилди. Йиғилиш қарорига кўра, тажрибали миришкор Мастура Сайфуддиновага вилоятда энг йирик “Фарғона анори” агрофермасини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш топширилди. Бунинг учун мавжуд 50 гектар анорзорга Қувасой тумани ҳудудидан кўшимча 260 гектар ер ажратилди. Вилоят ҳокимлигининг ёрдами билан ерларни экишга тайёрлаш жараёнида агроферма ишчилари учун замонавий жиҳозланган



шийпон-офис куриб берилди.

2017 йил 22 июнда Президентимиз Фарғона вилоятига ташрифи чоғида 2021 йилгача мазкур ҳудудда 2 минг гектарда анорзорлар барпо этиш заруратини илгари сурди. Бу ташриф ва эътибор Мастура Сайфуддиновага, қолаверса, барча анорчилик билан шўғулланадиган боғбонларга қанот бахш этди. Фарғона анорчилари астойдил ишлаб, олдиларига қўйилган марралар сари дадил қадам ташладилар. Ер майдонлари тайёрланиб, аҳолидан анор кўчатлари сотиб олиниб, экилиб, агротехник ишлов бериш ишлари кизгин бошлаб юборилди.

Мастуранинг шогирдлари асосан ёшлар. Улар замонавий мутахассислар. Шийпон-офисдаги

мавжуд компьютерлар уларнинг хизматида. Мастура бу ёшларга ҳар кунидан завқланиб ишлашни ўргатди.

2017 йили Мустақиллик байрами арафасида бир гуруҳ ҳамюртларимиз қаторида “Фарғона анори” агрофермаси раҳбари Мастура Сайфуддинова Президент Фармониغا кўра, “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Бу узоқ йиллардан буён ер билан тиллашиб, унга меҳр бериб, мамлакатда анорчилик тармоғи ривожига улуш қўшиб келаётган заҳматкаш, фидойи аёлни янада янги марралар сари ундар эди.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йили мамлакатимизда илк бор Қишлоқ хўжалиги ходимлари

қунига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда соҳа ходимларини табриклаб, «Узоқ йиллар раҳбарлик лавозимида ишлаган инсон сифатида менинг турли соҳа вакиллари орасида дўстларим, танишларим кўп. Лекин қалбимга энг яқин инсонлар, кадрдонларимнинг энг кўпи мана шу соҳа — қишлоқ хўжалиги тармоқларида, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан», деб ўзларига яқин дўст дегани бизни тўлқинлантириб юборди. «Дехқон – бу ҳаётнинг бақувват устун, тирикликнинг мустаҳкам таянчи», деган сўзлари эса кўнглимизни осмон қадар кўтарди, – дейди Мастура Сайфуддинова.

2020 йил ноябрь ойида Мастура анорчиликни ривожлантириш ва янги 3 минг гектар анорзорлар барпо этиш учун Сурхондарё вилояти Шеробод туманига хизмат сафарига юборилди. Сурхондарёликлар уни илиқ кутиб олиб, ҳамкор-у ҳаммаслаҳат бўлиб иш бошладилар. Шерободлик анордан даромад қилаётган аҳоли томонидан яна 1 минг гектар ерга анор кўчатлари экилиб, жами 4 минг гектар анорзор бунёд этилди. 3,4 йилда бу боғлар тўлиқ ҳосилга кирди.

– Сурхондарё замини анорчиликка жуда мос. Иқлим шароити ҳисобга олиниб, бу ерда анорлар қиш олдидан кўмилиб, баҳорда қайта очилмайди. Айнан шу машаққат анор ҳосилига катта таъсир кўрсатади. Чунки очилиб-эпилаверган анорлар жароҳат олади, ривожланиш орқага кетади. Шикастланмаган анор илдизлари 300 йилгача умр кўради. Бу хазинанинг ҳудди ўзи, – дейди қаҳрамонимиз.

2020 йилда Мастура Сайфуддинова “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” унвони билан тақдирланди.

– Бундай юксак эътибор, бундай эҳтиромга жавобан энди жонбозлик ила ҳар тинч ўтаётган меҳнат кўнимизга шукроналар айтиб, меҳнат қилиш қолди, холос. Шукр, минг шукр, – дея давом этади феълу кўйида самимият балқиб турган Мастура.

Дарвоқе, Президент ташаббуси билан Фарғона давлат университетида агрономия йўналишида

анорчилик факультети ҳам очилди. Шу-шу, Мастураҳоннинг бир оёғи ушбу олийгоҳда. У талабаларга деҳқончилик илмини ўргатмоқда. Унинг мактаби йиллар давомида шаклланган улкан тажриба негизига қурилган.

Бугунги кунда Мастура Сайфуддинова халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати, ЎзХДП Қува туман кенгаши раиси сифатида ҳам эл-у юрт хизматида. Унинг ташаббуси, саъй-ҳаракати билан ҳудудда оддий одамларнинг муаммоларини, ташвишларини енгиллатишга қаратилган хайрли ишларда танаффус бўлмайди. Эҳтиёжманд инсонларнинг кўнглига ёруғлик улаиш, жамиятда ижтимоий адолат, инсон қадри устуворлиги принциплари собит эканига умид ва ишонч ҳиссини ошириш депутат сифатидаги фаолиятининг бош мақсадидир. Шунинг учун у ҳамиша халқнинг ардоғида ва дуосида.

Баъзан ўйлайсан киши, бир аёл бахтли бўлса, шунчалар бўлар. Бир эл бахти қулса, шунчалар қулар.

Донишмандлиг-у босиқлик, орифлиг-у одиллик, ҳалолиг-у ҳақгўйлик, хушрўйлиг-у хушчақчақлик асл-наслидан мерос халқни кўраман, десангиз, Мастура яратган анорзорларга келин!

Ўғилларим Термизийдек илмлар султони, Аҳмад ал-Фарғонийдек дунёни ёритган донишмандлик юлдузи, қизларим Нодираи даврондек шеърининг гавҳари, дури бўлсин, десангиз, албатта, уларга анор едиринг. Дейдиларки, анор илоҳий дарахт. Унинг доналарини ерга тушириб бўлмайди. Ҳар бир анор доналари орасида бир донаси бўлармишки, ўша донани оғзига солган одам куч-у қудратли, меҳр-оқибатли, тож-у давлатли бўлар эмиш...

Қаҳрамонимиз Мастуранинг эса ҳамиша ўй-хаёли, ташвиш-қувончлари анорда, анорзорларда. Унинг юрагида кишин-ёзин анор гуллайди.

Зулфия МЎМИНОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ўзбекистон ХДП Денов туман Кенгаши депутати Ўғилой Хидирова ҳаёт билан ҳамнафас ва ҳамқадам замондошларимиздан. Унинг ташаббуси билан яқинда тумандаги Лочин маҳалласида 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган ногиронлиги бор болалар учун махсус кундузги парвариш гуруҳи фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳасан МИРЗАЕВ, ЎзХДП Денов туман Кенгаши раиси:

– Электратимиз вакилларини ишсизлик, банк-молия, тиббиёт ва таълим соҳаларидаги муаммолар қийнаб келмоқда. Электр таъминотидаги узилишлар, ички йўллар носозлиги, тоза ичимлик суви танқислиги билан боғлиқ масалаларда нуқсонлар кўзга ташланади. Чекка ва бориш қийин бўлган манзиллар инфратузилмасини замонга мос ташкил



ЭЗГУЛИКНИНГ ҚАНОТИ БОР

қилиш, транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, автомашиналар турар жойларини барпо қилиш ҳамон оғриқли нуқталардан бўлиб қолмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсам, электротат манфаатини илгари суришда фаоллик ҳамда ташаббускорлик кўрсатиш ҳар бир партиядошимиз ва депутатларимизнинг фаолият мезонига айланиши лозим.

Ташаббускор депутатимиз Ўғилой Хидированинг воҳада биринчилар қаторида

кундузги парвариш гуруҳига асос солгани ўзига хос дадил қадам бўлди, дейиш мумкин. Эътиборлиси, мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги байрамигача партия вакилимиз имконияти чекланган ўсмирларга ҳам ана шундай қулайлик яратмоқчи. Бунинг учун кўркем иншоот барпо қилиниб, сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик. Меҳр-муруватли ва қалби дарё ана шундай юртдошларимиз кўпайишига тилакдошман.

Ўғилой ХИДИРОВА, ЎзХДП Денов туман Кенгаши депутати:

– Биласизми, авваллари халқимизнинг турмуш кечириши оғир бўлган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда талай муаммолар кўзга ташлангани аччиқ ҳақиқат. Шунинг учун одамларнинг турмуши яхшиланмаган.

Сўнгги йилларда бу борада тарихий ислохотлар амалга оширилди. Ҳар қадамда оламшумул ўзгариш ва беқиёс янгиланишларга гувоҳ бўлиш мумкин. Кенг имконият ва қулайликлардан фойдаланган ҳолда 2018 йилда “Қақажонлар” нодавлат мактабгача таълим ташкилотига асос солгандик. Замонавий масканда 150 нафар болажон таълим-тарбия олмақда. Йигирма нафардан ортик опа-сингилларимизнинг бандлиги таъминланган.

Президентимизнинг 2025 йил 3 февралдаги “Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида тажриба-синов тариқасида 3 ёшдан 7 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар учун давлат-хусусий шериклик асосида кундузги парвариш хизматини йўлга қўйиш белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, ташкилотимиз тасарруфида 8 нафар болажондан иборат гуруҳ ташкил қилинди. Бунинг учун Ўзбекистон ХДП Денов туман Кенгаши, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ҳамда туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими масъуллалидан миннатдорман.

Эркин ЖУМАЕВ, Денов туман “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори:

– Денов мамлакатимизнинг салоҳиятли манзилларидан ҳисобланади. Ҳудудда 450 минг нафарга яқин аҳоли истикомат қилаётган бўлса, 168500 нафарга яқини 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлардир. Ногиронлиги бўлган болалар сони 2200 нафардан зиёд.

Кундузги шароитда тарбияланаётган 8 нафар жажжи фарзандимиз учун муассасада барча шароит мўҳайё. Махсус автомашина ажратилган. Тажрибали мутахассислар жалб қилинган. Ошхона ва тиббиёт хонаси ишлаб турибди. Кичикинтойларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 27 фоизигача қўнлик маблағ тўлаб берилмоқда. Йил охиригача яна 800 нафарга яқин ногиронлиги бор болаларни қамраб оладиган ана шундай гуруҳлар ташкил қилиш кўзда тутилган.

Ташаббуснинг қаноти бор, дейдилар. Эзгу амаллар кенг қулоқ ёвса, ўқисқ дилларга қувонч инади. Эртанги кунга бўлган ишонч ортади. Шундай экан, Ўғилой Хидирова каби жонқуяр ва саховатпеша сафдошларимиз сафи кенгайверсин.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР



Муаммонинг катта-кичиги бўлмайди.

Одамларнинг кичик муаммоси ҳал бўлса, бу катта натижаларга олиб келади. Акс ҳолда улар йиғилиб-йиғилиб, ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳал бўлган ҳар бир мурожаат ўнлаб, ҳатто юзлаб одамлар ҳаётида ўзгариш ясайди, уларнинг оғирини енгил қилади. Бугунги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу аслида. Аҳолига яқинлашиш, ҳар бир инсон ҳаётидан рози бўлиб яшашига эришишдир.

Одамлар билан қандай елкадош бўлиш мумкин? Бу аввало, уларнинг ҳаётини кўз олдимизда тасаввур қилиш дегани. Кўнглидаги, дилидаги орзу-ўйларини ҳис этиш, амалга ошира олмаётган ишларига кўмакчи бўлиш деганидир. Халқнинг кайфияти, дастурхонида нима бор-йўқлиги, мамлакатдаги ўзгаришлардан рўй-рост хабардор бўлиш дегани.

КИМДА ҚАНДАЙ НАТИЖА?

Бунда учрашувлар, ҳудудлардаги юзма-юз мулоқотлар яхши самара беради. Кўнгиноқ орқали ёки ёзма мурожаатлардан кўра кўз-кўзга тушиб мулоқот қилганда уларни янада яхшироқ ҳис қиламиз.

Маълумки, жорий йилнинг 28-31 май кунлари депутатлар сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Мазкур жараёнда фракция аъзолари 100 дан ортиқ хонадонда бўлиб, аҳоли билан мулоқотлар олиб боришди.

Учрашувларда Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, партиянинг дастурида илгари сурилган муҳим ташаббуслар ижросига ҳам эътибор қаратилди.

Фракция аъзолари партиянинг электорати манфаатидан келиб чиқиб, ҳудудларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг қулай ва тўқисиз ҳаракатланиши учун яратилган шароитларни ҳам ўрганишди. Хусусан, Нукус, Андижон шаҳарлари, Пахтакор, Мирзачўл, Денов, Қарши, Касби, Чилонзор, Юнусобод, Олмалик, Ангрен, Тошкент туманлари таҳлил қилинди.

Мулоқотлар жараёнида уй-жой, коммунал, бандлик, таълим, пенсия ва нафақа таъминоти, соғлиқни сақлаш, транспорт, йўл қурилишига оид ечимини кутаётган масалалар ҳам ўртага ташланган. Ушбу масалаларнинг ечими эса назоратга олинган.

ҲУДУДЛАРДАГИ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ЎРГАНИЛДИ

Депутат сайловчиларни ўйлантираётган, ечимини кутаётган муаммоларни ўз ваколатларидан фойдаланиб, мутасадди ташкилотларни жалб этган ҳолда ҳал этишга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига эътибор қаратади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувлари шунинг учун масъулиятлидир.

Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси, партия фракцияси аъзоси Улуғбек Шерматов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент туманининг "Фаровон" маҳалласида ўрганиш олиб борди. "Маҳалла еттилиги" фаолияти, ижтимоий-иқтисодий ҳолат, ахборот тизимлари ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишлар таҳлил қилинди. Ишчи гуруҳ томонидан аниқланган муаммолар асосида тақлифлар ишлаб чиқиши белгиланди.

Партияимизнинг яна бир депутати Зокиржон Зоҳидовнинг фуқаролар билан юзма-юз мулоқотлари амалий руҳда ўтди.

Депутат Фарғона вилоятининг Сўх туманига бориб, чекка ҳудуддаги тиббий хизматлар ҳолатини ўрганди. "Мулғон" маҳалласидаги оилавий шифохона фаолияти, мавжуд тиббий асбоб-ускуналар, дори таъминоти ва беморларга яратилган шароитлар кўздан кечирилди. Айрим дори воситаларининг етишмаслиги, замонавий ускуна ва жиҳозларга бўлган эҳтиёж ҳамда бошқа муаммолар аниқланди. Барча мурожаатлар қайд этилиб, парламент муҳокамасига тақлифлар киритилиши режалаштирилди.

– Бугун нафақат ҳудудларда, балки одамларнинг кайфиятида ҳам ўзгариш кузатилмоқда.

Ҳар ойнинг охириги ҳафтасида сайловчилар билан учрашар эканмиз, бунга ўзимиз гувоҳ бўляпмиз, – дейди депутат. – Шахсий муаммолар, ҳудудлардаги ечимини кутаётган масалалар кундан-кун камайиб бормоқда. Уларни ҳал этишда мутасаддилар жавобгарлиги, масъулияти ҳам ортиб борапти. Чунки уларнинг ҳисобдорлиги кучайтирилган. Республика миқёсида ҳал этиладиган масалалар эса давлат дастурига киритиш, ҳомийларни жалб этиш ишлари орқали амалга оширилади. Муҳими, сайловчилар билан учрашувлар шунчаки

Туманининг чекка ҳудудларида ҳам худди шундай гуруҳларни ташкил этиш бўйича тавсиялар берилди.

Денов тумани "Инсон" ижтимоий хизматлар марказида бўлиб ўтган маҳаллаларда фаолият олиб бораётган ижтимоий ходимлар билан учрашувда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонунлар мазмун-моҳияти батафсил таништирилди, айрим тавсиялар



ҳўжақўрсинга ўтказилмаяпти. Ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатни ўз кўзимиз билан кўриб, оддий одамлар ҳаётини ўрганиб, уларга енгиллик ва қулайлик яратиш учун ҳаракат қилияпмиз.

Ушбу ташрифлар партия электорати муаммоларини жойларда ўрганиш, аҳоли мурожаатларига бевосита ечим топиш ҳамда долзарб масалаларни қонунчилик даражасида кўриб чиқишга хизмат қилмоқда.

САЙЛОВ ОКРУГИ: САМАРАЛИ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Маълумки, қонунчиликка асосан ҳар ойнинг охириги ҳафтасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайлов округларида фаолият олиб боради.

Бу галги сайловчилар билан учрашувлар, ўрганишлар, тарғибот ҳамда назорат-таҳлил тадбирлари самарали кечди.

Дастлаб, 42-Сурхондарё сайлов округи ҳудудидаги Денов туманида барпо этилаётган Минтақавий болалар шифохонаси ҳамда Сина ҳудудий туғруқ бўлими биноларининг қурилиш жараёнлари билан танишиб пудратчи, лойиҳачи, буюртма берувчи билан суҳбат ўтказилди. Қурилишни ўз муддатига ва сифатли тарзда амалга ошириш бўйича тавсиялар берилди. Сўнг, тумандаги "Лочин" маҳалласида жойлашган МТТ тасарруфидagi ногиронлиги бўлган болалар учун ташкил этилган кундузги парваришlash гуруҳи фаолияти билан танишилди. Суҳбат асносида ногиронлиги бор болаларнинг ота-оналари ушбу имкониятни яратиб бергани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Эътиборлиси, яна учта мактабгача таълим ташкилотида шу каби гуруҳлар ташкил этилган.

берилди. Шунингдек, бир қатор таклифлар олинди.

Тумандаги "Ўзгариш", "Ободон" маҳаллалари, 38-ва 43-сонли умумтаълим мактаблари, 22-сонли оилавий поликлиникада "маҳалла еттилиги", маҳалла фаоллари ва шифокорлар билан сайёр учрашувларда маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда «ижтимоий профилактика» тизимини тўғри ташкил этиш, тўй-ҳашам, маърака ва маросимларда ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслик, қабул қилинган қонунлар ҳамда Қонунчилик палатасида муҳокамада бўлган қонун лойиҳалари юзасидан тарғибот ишлари олиб борилди. Шу билан бирга, аҳоли муаммолари ўрганилди, таклифлар олинди.

Денов туманидаги Халқ қабулхонаси биносига фуқаролар билан сайёр қабул ўтказилди. Қабул жараёнида 15 нафардан ортиқ фуқаронинг мурожаатлари қабул қилиниб, ижросини таъминлаш юзасидан бевосита масъуллар белгиланди ва айримлари бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Туман кадастр агентлигида "Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида"ги қонуннинг ижроси ўрганилди, фуқаролар билан мулоқот қилинди.

Шунингдек, "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурининг йўналишлар ва маҳаллалар кесимида бажарилиши, ногиронлиги бўлган шахсларга тўқисиз муҳит яратиш борасидаги ишлар кўриб чиқилди.

Ўрганилган масалаларнинг ижро этилиши устидан депутатлик назорати ўрнатилди.

САЙЛОВЧИЛАРГА ЯНАДА ЯҚИНРОҚ

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Имомназар Турсунов Қарши шаҳридаги 33-сон имконияти

чекланган болалар мактаб-интернатидида бўлиб, таълим муассасаси фаолияти билан танишди. Шу жараёнда муассасада болалар сонининг ортгани сабаб янги биноларга эҳтиёж ҳамда ётоқхона масаласида муаммолар борлиги маълум бўлди. Депутат бу масалаларни ўз назоратига олишини таъкидлади.

Мулоқот давомида саволларга батафсил жавоблар, кундалик ҳаёда дуч келинаётган ҳуқуқий масалаларда маслаҳатлар берилди.

Имомназар ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Ҳар гал учрашувларга отланар эканман, ўрганиладиган масалалар, ўтган галги учрашувлар, одамлар билан бўладиган мулоқот жараёнлари ҳақида яхшилаб ўйлаб оламан. Сайловчилар ҳузурига бориб туғилиб ўсган юртим олдидаги масъулиятини яна бир бор ҳис қиламан. Бу гал айтар сўзим қанақа бўлади, нималар ҳақида суҳбатлашаман, уларга қандай нафим тегади, деган фикрлар билан йўлга тушаман.

Маҳаллаларда бўлганимизда одамлар бугунги ўзгаришларни эътироф этишди, ислохотларни ўзларининг ҳаёти мисолида ҳис қилаётганини таъкидлашди. Кимдир субсидия олиб янги иш бошлаган, яна кимдир имтиёзли ўқишга кирган, бошқа биров фарзандининг саломатлигини тиклашда берилган ёрдамдан мамнун. Бир сўз билан айтганда, фуқароларда ҳаётга, эртанги кунга ишонч бор, фаровон турмушидан, бугунги кунидан миннатдор.

Касби туманидаги учрашувлар давомида сайловчиларнинг яшаш шароити, эҳтиёжлари ва уларни қийнаётган муаммоларни жойига чиқиб ўрганиш мақсадида

эканман, мурожаатларни ҳаёлан яна бир бор сарҳисоб қиламан. Республика даражасида ҳал этилиши керак бўлган масалаларни режалаштираман. "Бахористон" маҳалласида яшовчи Мунаввар Жўраева айрим сабаб билан қамалган эрининг жазосини енгиллаштириш, "Обод юрт" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Болта Қўлбоевнинг мурожаатлари бўйича тегишли вазириликларга депутатлик сўрови юборишни ўзимга белгилаб олдим.

Ҳудудларга бориб ўрганишлар, одамлар билан мулоқот бизга нима беради? Аввало учрашувлар бизни сайловчилар билан яқинлаштиради, уларнинг орзу-ўйларига шерик бўлиш, ўйлантираётган масалалари ечимига кўмаклашиш имконини беради. Пойтахтда, кабинетда ўтириб бундай қилолмаймиз. Қачонки, сайловчилар билан юзма-юз қош-у кўзларига боқиб уларни тингласак, ҳудудлардаги ўзгаришлар, ҳолатларни ўз кўзимиз билан кўрсак, бизда уларнинг ҳаётига дахлдорлик ҳисси шунча ортиб бораверади.

ТОШЛОҚ ТУМАНИДА САЙЁР УЧРАШУВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Дилбар Мамаджанова ва Шокиржон Аҳмедов Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида бўлиб, бир қатор учрашувлар ва мулоқотлар ўтказди.

Ўрганишлар доирасида депутатлар Тошлоқ тумани ички ишлар бўлими раҳбари, шунингдек, бир нечта маҳаллалардаги "маҳалла еттилиги" аъзолари билан учрашди. Мулоқотларда ҳудудлардаги долзарб муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш бўйича



туманининг "Камаш", "Хужаги", "Мушқоки" маҳаллаларида бўлди.

Ўрганишлар давомида "Хужаги" маҳалласидан ўтувчи кўчанинг 5 километр қисми таъмирталаблиги, "Мушқоки" маҳалласида эса ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Тадбир доирасида "Камаш" маҳалласида жойлашган туман тиббиёт бирлашмасига қарашли оилавий шифокорлик пункти фаолияти, унда яратилган шароитлар ҳам ўрганилиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди. Сайловчиларнинг ҳар бир мурожаати ва таклифи назоратга олиниб, улар асосида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тизимли ишларни амалга ошириш режалаштирилди.

Учрашувлардан қайтар

таклиф ва мулоҳазалар муҳокама қилинди.

Сайловчилардан қатор мурожаатлар бўлди. Баъзилари жойида ҳал этилса, бошқаларининг ечими юзасидан вазибалар белгиланди.

Фуқароларнинг фикрлари, тақлифлари ва жойлардаги реал муаммолар депутатлар томонидан тингланб, улар асосида тегишли қонунчилик ташаббусларини ишлаб чиқиш режалаштирилди.

Депутатлар маҳаллий аҳоли билан очиқ ва самимий мулоқотда бўлиб, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишда доимий ҳамкорликка тайёр эканини таъкидлашди.

Лазиза ШЕРОВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ



БОЛАЛИКДАН МАҲРУМ БОЛАЛАР НИМА УЧУН ТОВОН ТЎЛАЙДИ?

Айни туш вақти, ҳаво қизигандан қизияпти. Тушлик бахонасида қизимга ваъда қилган ўйинчоқни олиш учун шоша-пиша супермаркетга ошиқдим. Машинадан тушишим билан “Опажон, илтимос салфетка сотиб олинг”, дея бир қизча ялина бошлади. Сочлари тўзғиган, уст-боши, қўллари кир, аянчли аҳволда.

Пул бердим, қўлимдан олиши билан бошқа машина томон чопқиллаб кетди. Ундан сўрайдиганларим кўп эди. Шу атрофда бўлса чиқишимда суҳбатлашарман, деб қўйдим. Орадан бир дақиқа ҳам ўтмаган эди, қулогимга яна бир илтижолӣ овоз эшитилди:

– Опажон, машинангиз балонини қорайтириб берайми?...

Кўча-қуйда, катта савдо мажмуалари, ресторанлар яқинида, ер ости ўтиш жойларида шунга ўхшаш илинж билан термулган нигоҳларга тез-тез дуч келамиз. Уларнинг кўпчилиги қийналиб қолганини ёки кимингдир касаллигини айтиб, сиздан пул сўрайди. Қизиги шундаки, улар тонг саҳардан то тун ярмигача катта-катта дўконларнинг атрофида ана шундай “фаолият” билан шуғулланади.

Баъзида эътиборсизлик билан ўтиб кетамиз. Энг катта хатоимиз ҳам аслида шу. Ахир унинг ортида қанчадан-қанча муаммолар бор. Кимларнингдир хатоси туфайли товон тўлаётган юзлаб, минглаб ана шундай беғубор кўнгиллар бор. Ижтимоий муҳити оғир оилаларда яшайдиган мурғак қалблар бор...

ЖУССАСИ КИЧКИНА, АММО МАТОНАТИ КАТТА БОЛАЖОНЛАР

Ўша куни машинам балонини қорайтириб беришни сўраган болани секин суҳбатга тортидим.

Ўзини Улуғбек, деб таништирган 10 ёшли боланинг айтишича, машина гилдиракларини қорайтириш орқали кунига ўртача 40-50 минг сўмгача пул ишлаб топади.

– Ҳайдовчилардан машиналари балонини қорайтириб беришни сўрайман, кимлардир рози бўлади, кимлардир эса шарт эмас, деб қўлимга шундоғ пул бериб кетади. Онам касал, дадам кўп ичади, рўзгорга қарамайди. Шунинг учун мен ишлашга мажбурман. Машиналарнинг баллонларни қорайтириб, топган пулимга уйга нон ва бошқа майда-чўдалар олиб кираман-да.

– Мактабчи, дарсларга бормайсизми,– деб сўрадим.

– Ҳозир ёзги таътилда эрталабдан кечгача ишлаяпман, мактаб пайтлари дарсдан кейин ишлайман. Кечқурун бориб кичкина укамга ҳам қарайман.

– Келаҳақда қайси касбни танламасизми? Мактабда яхши ўқийсизми, дарсларни қилишга қанчон улгурасиз?

– Катта бўлсам, магазинларим бўлади, яхши яшайман. Оиласига, болаларига қарайдиган яхши ота бўламан. Лекин ҳозир дарсларимни қилишга улгурмайман. Мактабда яхши ўқий десам онам қийналади-да. Ҳали ўқийман, оиламизга сал қарашай, кейинда. Дадам ичишни ташласа бўлди, – дейди у.

Ҳақиқатан ҳам, бундай болалар орасида биров айтмаса ҳам касал онаси, ногирон ёки ичкиликка берилган дадасига бошқа чораси йўқлигидан ёрдам беришни истаб кўчага чиққанлари йўқ эмас. Оиласига озми-кўпми кўмак бериб, онасига далда, тиргак бўлаётганлари ҳам бор.

Биз ҳаёт қийинчиликларига бош эгмаган, кимгадир қўл узатишга мажбур, кимдир ёрдам беришига муҳтож бу жажжиларни айбдор қилишдан йироқмиз. Ҳаётни фақат ёрқин рангда кўрадиган, унинг оқ-у қорасини эндигина танишни бошлаган мурғак ёшда бир дунё ташвишни бўйнига олиш бу жасорат аслида. Бундай болаларнинг қалби тоза бўлади.

Аммо бунинг яхшиликка олиб келмайдиган жиҳатлари ҳам бор.

ЧОРРАҲА: ЙЎЛ ЎНГ ТОМОНДАМИ ЁКИ ЧАПДАМИ?

Улуғбек билан суҳбатдан сўнг анча пайт ўзимга келолмадим. Унинг кўзларига боқдим, эндигина 10 ёшга тўлган жуссаси ҳам кичкинагина болакай кўз олдимда

бирдан улғайиб, катта одамга айланиб қолгандек бўлди. Лекин асл ҳақиқат бизга қоронғулигича қолди. Ота нега ичкиликка берилган, айни ўқийдиган пайтда бу боланинг бўйнига нега рўзгор ташвиши тушган?

Йўл бўйи шу воқеа ҳаёлимдан кетмади. Наҳотки, болалардан пул топиш мақсадида фойдалинишаётган бўлса? Қайси ота-она ўз фарзандини бунчалик хор қилиб қўйиши мумкин? Онам касал деб тиланчилик қилиш, унга кимдир ўргатмаса, ёш боланинг ҳаёлига ҳам келмайди.

Бу боладан бировнинг раҳмини келтириш учун фойдаланиш, меҳнатдан қочиб, тайёр ва текин даромад "маза"сини олган луқма эгаларининг "касби" аслида.

Яқинда ижтимоий тармоқларда Тошкент шаҳар Миробод туманида яшовчи эркак ўзининг уч нафар – 10, 5 ва 3 ёшли фарзандларидан фойдаланиб, уларнинг соғлом ҳаёт кечириши ва таълимга жалб қилинишини таъминламай, тиланчилик билан шуғуллангани аниқланганди. Мазкур ҳолат юзасидан Миробод тумани ИИО ФМБ томонидан фуқаро Х.А. га нисбатан тегишли моддаларга асосан маъмурий баённома расмийлаштирилди. Уч нафар вояга етмаган боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида улар Тошкент шаҳар ИИББ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилди.

Шу ўринда яна бир масала. Таълим, тарбиядан узилган боланинг келажаги-чи? Унинг кундалик бу юмушлари келажаги, орзулари, мақсадлари билан бир чорраҳада кесишса, кейин нима бўлади? Мана асосий масала, кўнгил увушиб, кишини ўйлантирадигани ҳам аслида шунда. Биз бунга кўз юммаслигимиз керак. Тиланчилик болани бошида майда безориликка, кейинчалик жиноятга бошламаслигига ким кафолат беради?! Тиланчилик тирикчилик эмас, деб ҳам бежизга айтишмайди.

Элёр ЗОИТОВ, ЎЗМУ социология кафедраси мудири, доцент:

– Масаланинг иккинчи томонига қарасак, кўксимиз беихтиёр санчади. Болаларни меҳнатга мажбурлаётганлар уларни болаликдан маҳрум қилишлари ҳақида ҳамма ҳам ўйламайди. Жумладан, бу болалар, қоида тариқасида, нормал инсоний муносабатлардан маҳрум, улар тўйиб овқатланмайдилар, соғлиғида муаммолар бўлади.

Биз болаларнинг эксплуатациясига кўз юммаслигимиз керак. Болалар ўзлари дуч келадиган хавфларни баҳолай олмайди. Ёши улғайган сари уларда тиланчилик пул топишининг ягона ва тўғри йўли, деган ишонч пайдо бўлиши мумкин.

Тиланчилик болани аввалига майда безориликка, кейинчалик жиноятга бошламаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ҳўш, уларнинг келажаги яқинларини, ота-онасини қизиқтирмайдими?

Яқинда ишдан уйга қайтаётиб, автогаз қўйиш шохобчасига кирдим. Машинадан тушиб, қутиш жойига кетаётгандим. Ҳали у одамга, ҳали бу одамга қўл чўзиб, садақа сўраб юрган бир қизалоқ ёнилғи қўйиб, ичкаридан чиқаётган ҳайдовчидан пул сўраш учун отилиб чиқди. Машина уриб юборишига бир баҳя қолди. Ҳайдовчининг ранги оқариб кетди. Қизча ҳеч нима бўлмагандек, машина ойнасидан ҳайдовчига юзланиб, пул сўрай бошлади. Атрофдагилар ҳайратда. Қизчанинг эса парвойи фалак. Ахир, уни машина уриб юборишига сал қолди.

Улар кўча-қуйда, ҳатто автомобиллар серкатнов бўлган жойларда ҳам бемалол юриб тиланчилик қилишади. Ҳаёти ҳамиша хавф остида. Шунингдек, кўчада садақа сўраб юриш боланинг маънавиятига ҳам салбий таъсир ўтказади. Унинг ҳаётга қарashi паст, ўзига ишончи бўлмайди. Бора-бора меҳнатсиз пул топиш кўникмасига ўрганиб қолади, меҳнат қилишни хоҳламайди. Топадиган пулини овқати учун сарфлаб, кун ўтказиб юраверадиган ҳолатга келиб қолади. Таълим олиш, бошқа орзу-хаваслар ундан узоқлаша бошлайди.

Улар куни билан кўчада юргани учун оилавий тарбиядан ҳам четда қолишади. Ҳаётни кимгадир қўл чўзиш, садақа сўрашдан иборат, деб тушунишади. Пул бермаганини баъзан ёмон сўзлар билан ҳақорат ҳам қилишади. Улар орасида ўғрилиқ қилганлари ҳам кўп топилади.

Албатта, болаларнинг қаровсизлиги ва бошпанасизлигининг асосий сабаблари оилавий муаммолардир. Фарзандларини асраб-авайлаш ва тарбиялаш бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаётган ота-оналарнинг борлиги ачинарли. Ҳар йили мамлакатимизда носоғлом оилаларда яшовчи кўплаб вояга етмаганлар аниқланади.



Бундай болаларнинг ота-оналари улардан пул топиш мақсадида фойдалинишаётганининг ўзи даҳшат. Аввало, ўз фарзандини бунчалик хор қилиб қўйган ота-оналарнинг руҳий ҳолати яхши эмаслиги аниқ.

Бежиз ота-оболаримиз тиланчиликни касб қилиб олишни қаттиқ қоралашмаган, чунки бу жамиятда боқибеғамликни, текинтомоқликни, бунинг ортидан эса таназзулни келтириб чиқаради. Ҳалол меҳнат ва ҳаракат, албатта, киши мартабасини улўғ қилади.

Нима бўлганда ҳам садақа сўраш, ризқ тиланиш миллатимизга хос эмас. Фурур, ҳалол меҳнат ва меҳр-у саховат ўзбекка хос одат. Токи, йўлларимизда иссиғ-у совуқ, демай кўзларини жовдираб турган болалар учрамасин.

БУ МАСАЛАДА ҚОНУНЧИЛИК НИМА ДЕЙДИ?

– Конституциямизга кўра, боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, жисмоний, ақлий, руҳий ривожланишига ва унинг таълим олишига хавф соладиган ҳар қандай мажбурий меҳнат тақиқланади. Болаларни мажбурий меҳнатга жалб қилганлар тўғридан-тўғри жиноий жазога тортиладиган бўлди. Умуман олганда, давлатимиз бунинг учун таъсирчан чоралар кўрмоқда. Тиланчилик билан шуғулланиш ҳам қонун билан тақиқланган, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Иба Наризова. – Болалар тиланчилиги билан боғлиқ вазият Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тартибга солинган.

Ушбу ҳужжатнинг 188³-моддасига кўра, вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий ҳолати бузилган, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек, шахсларга алкогольли ичимликларни ёҳуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истезмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127¹-моддасига мувофиқ, агар вояга етмаган шахсни тиланчиликка жалб қилганлик учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин яъна, шу қилмиш содир этилса, жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилган.

БОЛАЛАР ОМБУДСМАНИ: БОЛАЛАРНИ ТИЛАНЧИЛИККА ЖАЛБ ҚИЛАЁТГАН ОТА-ОНАЛАРГА ЧОРА КўРИЛЯПТИ

Яқинда Болалар омбудсмани ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида Ички ишлар вазирлиги ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан биргаликда республика ҳудудларида болаларни тиланчиликка жалб қилиш каби салбий ҳолатлар тизимли равишда таҳлилий ўрганиб борилаётганини маълум қилди.

Қайд этилишича, ўрганишлар болани мазкур ғайриижтимоий фаолиятга жалб қилган айрим ота-оналар тиланчиликни мунтазам равишда ўзига касб қилиб олганлиги, айрим оилалар ижтимоий аҳволи оғирлиги ёки ота-онанинг иш билан банд эмаслигини кўрсатмоқда.

Ачинарлиси, аниқланган кўп ҳолатларда тиланчиликка жалб қилинган болалар мажбурий бўлган умумий ўрта таълим доирасидан ташқарида қолган.

Бунга йўл қўйган ота-оналарга қонунда кўзда тутилган тегишли жавобгарлик чоралари қўлланилган.

Болаларнинг келгусида такроран тиланчиликка жалб қилинишининг олдини олиш мақсадида ҳар бир ҳудудда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ушбу оилаларнинг ҳар бири билан манзилли ишлаш орқали уларнинг ижтимоий ёрдамга бўлган эҳтиёжини ўрганиш билан бир қаторда бу ота-оналарнинг болага ғамхўрлик кўрсатиши вазиятига ҳам баҳо беради.

Хусусан, оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган оилалар мониторинги олиб борилиб, улар учун зарурий ижтимоий хизмат ҳамда ёрдамларни ташкил этиш, муҳими эса болаларнинг таълим ҳуқуқини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Фарзанд бебаҳо неъмат. Меҳнат эса одамнинг зийнати. Болаларни меҳнатга ўргатиш муҳим, албатта. Лекин бунга тўғри ёндашиш зарур, деб ўйлаймиз.

Тўғри, мактабдан кейин ёки таътил пайтларида оиласи даромадига улуш қўйиш мақсадида боланинг уй, оилавий ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ишларида ота-онасига ёрдам бериши бола меҳнати ҳисобланмайди. Бу боланинг ривожланишига, қайсидир касбга қизиқишига, унда кўникма ва тажрибага эга бўлишига ёрдам беради. Аммо уларни тиланчиликка жалб этиш жамият учун ҳам, ўша оила учун ҳам, фарзанд учун ҳам яхшиликка олиб келмаслиги кундек равшан. Бу улар учун руҳий, жисмоний, ижтимоий ёки маънавий жиҳатдан хавфли, мактабда ўқиш имкониятини истисно этадиган фаолият турдир. Демак, тиланчилик вояга етмаганларга нисбатан зўравонликдир!

Бола атрофга ўз болаларча дунёқараши, беғубор нигоҳи билан қарайди. Шунинг учун улар ўзларига хавф солаётган воқеаларни, жараёнларни фарқлай олмайди, баҳололмайди ҳам.

Ҳар бир бола бир дунё, аслида. Улар ҳар доим меҳрга, ғамхўрликка муҳтож бўлади. Жажжиларнинг ҳар бири беғубор ва беташвиш болаликни ҳис қилишга ҳақли. Ўйинчоқлар қуршовида яйраб, қувонишни иштайди.

Лекин ҳаёт синовлари уларнинг болалигини ўғирламоқда, андишани бир четга суриб, тайёр даромадга ўрганиб қолган дангаса ва лоқайд ота-оналарнинг музлаган юраги уларни бахтли болалик суруридан айирмоқда.

Яна бир гап. Айрим аёллар турмушидан ажралиб, иш топа олмагани учун боласини пул топишга мажбур қилаётгани ҳам рост. Ичкиликка берилган айрим оталар эса ўз хатосининг аламини боласидан оладими, деган ўй ҳам келади. Демак, айрим одамларнинг оилага, фарзандга, жамиятга бўлган тушунчасини ўзгартириш керак.

Шулар ҳақида ўйлаб, ишдан қайтишда яна ўша супермаркет олдига бордим. Салфетка сотиб олишимни ва машинамнинг балонини қорайтириб беришни сўраган болаларни изладим. Қизимга ваъда қилган ўйинчоқни уларга ҳам олиб бериш истаги мени етаклаган эди бу манзилга. Лекин уларни тополмадим. Эртага яна келаман, албатта келаман...

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.




ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИДА ЯНГИ ДАВР

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўз тарихида биринчи бор жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритди. Саралаш босқичида Эрон, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари, Қирғизистон ва Шимолий Корея билан бир гуруҳдан жой олдик. Гуруҳдаги ҳар бир баҳс мурасасиз кечди. Албатта, мундиал орзуси ҳар бир иштирокчини ўз имкониятларидан максимал фойдаланишга ундайди. Биз учун саралашнинг энг муҳим учрашуви бу сўзсиз 9-турда бўлиб ўтди. Ушбу турда миллий жамоамиз Бирлашган Араб Амирликлари билан беллашди. Ортда қолган 8 турда Ўзбекистон 17 очко, амирликлар эса 13 очко жамғарганди. Яъни, минимал натижа, дуранг ҳам бизни муддатидан олдин жаҳон чемпионатига олиб чиқар эди. Айни шу фактор ўйиннинг аҳамиятини янада ошириб юборди.



5 июнь куни Абу-Дабидаги "Ал-Наҳаён" стадионида мезбонларга қарши кечган учрашувда 0:0 ҳисоби қайд этилди. Футбол тилида "нурсиз дуранг", деб айтиладиган мазкур ҳисоб ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбига чексиз нур олиб кирди, десак асло муболаға бўлмайди. Ушбу натижа Тимур Кападзе бошчилигидаги жамоамизга 18 очко билан гуруҳда 2-ўринни кафолатлаб, Аргентина, Япония, Эрон, Янги Зеландия каби жамоалар ортидан муддатидан олдин жаҳон чемпионатига йўлланмани нақд қилиб қўйди. Шундай қилиб, Ўзбекистон 2026 йилда АҚШ, Мексика ва Канада майдонларида ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этади. Ўз тарихида илк бор мундиалга чиққан Ўзбекистон жаҳон чемпионатлари тарихидаги 81-жамоага айланди.

Ушбу тарихий ютуқ билан ФИФА президенти Жанни Инфантино ҳам Ўзбекистон жамоасини табриклади. "Ўзбекистон ФИФАга 1994 йилда аъзо бўлганидан буён олимпиада ўйинлари, ёшлар ўртасидаги бир нечта ФИФА мусобақаларида иштирок этиб, муносиб натижаларни кўрсатиб келмоқда. Энди эса ажойиб саралаш босқичидан сўнг сизлар ҳақли равишда келаси ёзда ўтказиладиган мундиалда иштирок этиш имкониятига эга бўлдингиз. Дунё бўйлаб миллионлаб мухлислар "Оқ бўрилар"нинг жаҳон саҳнасидаги дебютини интиқлик билан кутмоқда", — дейилади табрикда. Кеча бўлиб ўтган гуруҳнинг сўнгги турида ҳамюртларимиз Қатар термасига қарши тўп сурди. Кўтаринки кайфият ва муваффақият руҳи билан майдонга тушган



футболчиларимиз мухлислар кутганидек ёрқин ўйин кўрсатди. Натижа ҳам шунга муносиб — 3:0. Якунда 21 очко билан гуруҳда иккинчи ўринни қўлга киритдик. Бир сўз билан айтганда, сиз-у бизнинг кўз ўнгимизда Янги Ўзбекистон футболда янги тарих ёзилди. Бир мамлакатнинг, бир халқнинг тарихий ютуғига гувоҳ бўлиш ҳам катта бахт. Биз сизни шундай бахтга муяссар бўлганингиз билан табриқлаймиз. Олға, Ўзбекистон!

Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.

Группа А					
#			И	Г	О
1.	 Иран 		10	16:8	21
2.	 Узбекистан		10	14:7	21
3.	 ОАЭ		10	15:8	15
4.	 Катар		10	17:24	13
5.	 Кыргызстан		10	12:18	8
6.	 Северная Корея 		10	9:18	4

"Ўзбекистон овози" газетаси таҳририяти жамоаси меҳнат фахрийси
Нигора АЗИМОВАнинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.